



20

**ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ**

6 йил „4“ ИЮЛЬ

№ 136-К

Самарқанд вилоят сув хўжалиги бирлашмасига Оқдарё, Тўсинсой, Қорасув сув омборларини қирғоқ бўйи муҳофаза минтақасига ер майдонини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги Қонунининг 12, 14 ва 48 моддаларига, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174 рақамли, вилоят ҳокимининг 1994 йил 7 июндаги 443 рақамли қарорларига асосан вилоят сув хўжалиги бирлашмасига вилоятимиз худудидаги сувларнинг ифлосланишини олдини олиш, унумдор ер майдонларини сақлаб қолиш, емирилиш жараёнларини ва бошқа зарарли таъсирларни олдини олиш учун Оқдарё, Тўсинсой, Қорасув сув омборларини қирғоқ бўйи минтақасига ер ажратиш тўғрисидаги Иштихон, Қўшробот, Пайариқ туман ҳокимларининг қабул қилган қарорларини инobatга олиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Самарқанд вилояти сув хўжалиги бирлашмасига Оқдарё, Тўсинсой, Қорасув сув омборларини қирғоқ бўйи муҳофаза минтақасига ер майдонини ажратиш тўғрисидаги Иштихон туман ҳокимининг 1996 йил 27 мартдаги 169-қ рақамли, Қўшробот туман ҳокимининг 1996 йил 2 февралдаги 46-қ рақамли, Пайариқ туман ҳокимининг 1996 йил 12 апрелдаги 139-қ рақамли қарорлари хўжаликларни ва ер турларини рўйхати кўрсатилган иловага асосан тасдиқлансин.
2. Сув омборларини қирғоқ бўйи минтақаси учун ажратилаётган ер майдонлари Самарқанд вилояти сув хўжалиги бирлашмасига табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа тадбирлар ўтказиш учун фойдаланиш юклатилсин.
3. Ушбу қарорни бажарилишини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Ҳамроевга топширилсин.

Вилоят ҳокими



А. Мардиев

А.МАРДИЕВ